



HISTORY OF OCCURRENCE, STAGES OF DEVELOPMENT AND SPECIFIC FEATURES OF THE INSTITUTE OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Irkabaev Alisher Adkhamovich ¹

Legal advisor: (PhD), assistant professor

Babadjanov Atabek Davronbekovich

¹ Master at Tashkent state university of law

<https://doi.org/>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021

Accepted: 25th April 2021

Online: 30th April 2021

KEY WORDS

institute of the president, democratization, public administration, Constitution, parliament.

ABSTRACT

This article analyzes the history of occurrence, stages of development and specific features of the institute of the president of the Republic Of Uzbekistan. Special attention is also paid to the role of the President's Institute in public administration. As a result of the analysis, suggestions and recommendations were formulated to improve the Institution of the President in the process of democratization of public administration.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ, РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Иркабаев Алишер Адхамович ¹

Илмий раҳбар (маслаҳатчи): ю.ф.ф.д. (PhD), доцент в.в.б.,

Бабаджанов Атабек Давронбекович

¹ Тошкент давлат юридик университети магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

президентлик институти, демократиклаштириши, давлат бошқаруви, конституция, парламент

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола Президентлик институтининг Ўзбекистон Республикасида вужудга келиши тарихи, унинг ривожланиши босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, президентлик институтининг давлат бошқарувидаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган таҳлиллار натижасида давлат бошқарувини демократлаштириши жараёнида президентлик институтини такомиллаштириши юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

1991 йилнинг 31 август куни ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуки амалга ошди - Ўзбекистон

Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Мустақил юртимиз бутун кўп миллатли аҳолисининг иродаси



“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунда мустақамланди ҳамда умумхалқ референдумида яқдиллик билан тасдиғини топди. Ўзбекистон Республикаси худуди ва иқтисодий салоҳияти булинмаслиги, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги принципи қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби президентлик институтига бағишланган. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан йигирма етти йил аввал, 1990 йил 24 мартда демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳавфсизлигини мустақамлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида МДХ давлатлари ичида эса биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида Президенти лавозими таъсис этилди.[1]

Ўзбекистон тарихида илк марта жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди. Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ваколатлари келтирилган. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди.[2]

Ўзбекистонда таъсис этилган Президент лавозимининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиб баралла айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда Президентнинг сайланиши, ваколатлари демократик стандартларга мос тўла келади.

Дунёда президент лавозими мавжуд бўлган давлатларни шартли равишда 3 га ажратилиб, президентлик ва парламентар, аралаш республикалар деган таснифлаш мавжуд. Бунда асосий мезонлардан бири бўлиб, Президентнинг сайланиш усули ҳисобланиб, бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланган Президент кучли ваколатларга эга бўлади. Президент тўғридан-тўғри сайланганда фуқаролар унинг сайловолди дастури билан бевосита танишиш, мамлакат ва фуқароларни қизиқтираётган масалаларга номзодлар эътиборини қаратиш имконияти мавжуддир. Конституциямиз 90-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Президентни умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлаш дунёнинг 110 та давлатида қабул қилинган усулдир.

Ўзбекистондаги Президентлик институтининг ўзига хослиги шундаки, бизда давлат бошлиғининг ваколатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафиллик белгиланганлиги, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, Президент сайлови куни Конституцияда аниқ белгилаб қўйилгани, сайлов комиссияларининг аъзолари



сайловдан манфаатдор бирон бир партия аъзоси, ёки номзод, унинг ишончли вакили бўлиши мумкин эмаслиги, Президент сайловининг молиявий таъминоти давлат маблағлари томонидан қопланиши ва тенг тақсимланиши, номзодлардан ҳеч қандай сайлов гарови, сайлов фондини ташкил этиш талаб қилинмаслиги, номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун давлат ҳисобидан тенг эфир вақти ва босма майдон ажратилиши, йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилиниши, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шартлиги кабиларда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда Президентлик институтининг халқимиз ҳаётига яқинлигини мустақиллик йилларида бўлиб ўтган Президент сайловларида сайловчиларнинг 90 % дан ортиғи иштирок этганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида бу рақам одатда ўртача 50-60 %дан ошмаслигини кўришимиз мумкин.

Шу маънода президентлик институти демократик институт ҳисобланиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли сайланади ва фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда вакилликни таъминлашдек конституциявий функцияни бажаради. Иккинчидан, Президент

лавозимига номзод бўлишда Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳволига, ирқӣ ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Учинчидан, Президент сайлови демократик стандартларда белгиланган ҳолда ҳалоллик билан очик, шаффоф ўтиши, эркин, ихтиёрий, ҳақиқӣ ва адолатли ташкил этилиши ва ўтказилиши Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган. Тўртинчидан, Президент ваколатлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилади. Яъни бунда демократик сайловлар орқали сайлаб қўйилган вакиллари орқали халқ иштирок этади. Бешинчидан, монархиядан фарқли ўлароқ, Конституцисимиз

1-моддасига асосан Ўзбекистон – суверен демократик республика бўлганлиги боис Президентнинг лавозимда бўлиш вақти конституциявий асосда маълум муддатлар билан чегараланган. Яъни Асосий қонунимизга асосан беш йил муддатга сайланади. Бу ҳам демократик стандартлардан бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида даврий асосда ўз номидан, яъни халқ номидан иш олиб бориши мумкин бўлган шахсни муқобиллик асосида сайлаб туриш имкониятига эга бўлиши лозим. Олтинчидан, республика Президенти лавозимга киришиш олдидан халқ сайлаган олий вакиллик органи – Олий Мажлисда қасамёд қабул қилиши ҳам ўз қасамёдида



биринчи жумла “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга” деган жумланинг ўзиёқ демократиянинг белгилари сифатида айтилган: демократия халқдан чиқиши, демократия халқ томонидан ва халқ манфаатлари йўлида оширилишига яққол мисол бўла олади. Еттинчидан, президентлик институти ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва ажралмас белгиси – ҳокимият бўлиниши принципининг таркибий қисмидир.

Президент лавозимининг жорий этилиши ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Президент институтининг жорий этилиши – республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чунки шунчаки эмас, балки ҳақиқий давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга киритиш имкониятига эга. ... Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта куришнинг мантиғи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этди”[3].

Дастлабки босқичда президентлик институти давлат ҳокимияти тизимида марказий ўринни эгаллаб, сиёсий тизимнинг ўзагига айланди. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини барпо этиш ҳамда давлатнинг бош ислохотчи бўлиши зарурати ўтиш даврида Президент зиммасига катта масъулият ва стратегик вазифаларни ҳал этиш заруратини юклаш баробарида унинг кенг ваколатларга эга бўлишини тақозо этди. Президент давлат ва айни вақтда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ислохотларнинг ташаббускори, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланди.

Демократияга ўтиш жараёни стратегия ва тактик жиҳатдан кучли президентлик бўлишини тақозо этади, Президент нафақат модернизациялашни амалга ошириши, балки демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳақиқий кафили бўлиши, жамиятда бузғунчи жараёнларнинг таъсирини йўқ қилиш, бартараф қилиш имконига эга бўлиши лозим”[4] эди.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантиришга қаратилган ислохотлар натижасида сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият курилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори яратилиб, демократик ислохотлар ортга қайтмас жараёнга айланди.

Ушбу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда. Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври (5) ҳисобланмиш ушбу босқичда давлат ҳокимияти тизимида ўзаро мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлаш, ҳокимият тизимида президентлик институтининг ўрни ва ролига оид муҳим демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Миллий давлатчилигимиз ва биз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва қарор топаётган дастлабки йилларда Президентга берилган ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларига бериш ишлари



изчиллик билан олиб борилмоқда. Агар мустақиллик (6) йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 7 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган бўлса, уларнинг 5 таси билан Ўзбекистон Республикаси Президентига оид XIX бобдаги қатор моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани президентлик институтининг ҳуқуқий асослари сезиларли такомиллашадиганидан далолат қилади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда президентлик институти Ўзбекистонни давлат мустақиллигига эришишининг асосий омили бўлди, республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдирди ҳамда президентлик институти қайсидир маънода давлат мустақиллиги кафили ҳамда давлат

рамзига айланди.

Президентлик институти таъсис этилишини ҳаётнинг ўзи, мураккаб ва зиддиятли жараёнлар ечими тақозо этди. Президентлик институти ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлган ҳокимият бўлиниши принципнинг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий тизимимизга киритилди. Президент лавозими таъсис этилиши билан қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари фаолиятини ўзаро келиштириш, аввало қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмлари яратилди.

Президентлик институти жамиятдаги барқарорликнинг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчи вазифасини бажармоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990.– № 10-11, 197-модда.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.140.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 142, 144.
4. Гордиенко С.В. Институт Президентства в России, США, Франции: концептуальные основы, политико-административная практика (сравнительный анализ). – М. 2004. Дисс.канд.полит.наук. –С. 4.